



БИРОЗ ХУНУК СОВҒА, ЛЕКИН, ЧОЛГА ЁҚСА БЎПТИ-ДА!



“Одноклассники.ру”даги ЎХХ гуруҳи 2013 йилда мана иккинчи маротаба блок қилинди.

Эслагиб ўтамиз, илк бора гуруҳ <http://odnoklassniki.ru/uzxalqharakati> манзилида 2012 йилнинг 5 апрелида ташкил қилинган, ва 10 ой ичида гуруҳ иштирокчилари 26 мингга етган эди. Гуруҳда асосан, ЎХХ сайтидаги мақолалар ва муҳолиф фикрдаги материаллар чоп этилар ва кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келарди. Гуруҳга тўсиқ қўйилишидан аввалроқ ЎХХнинг раҳбарлари билан ҳафталик бевосита интерфаол суҳбатлар ташкил этилган эди. Саволларга ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси Намоз Нормўмин жавоб бераётган эди.

«Одноклассники.ру» раҳбарияти тарафидан расмий турда ҳеч қандай тушунтириш берилмаган бўлса-да, биз айнан мана шу суҳбатлар гуруҳни блок этилишига баҳона бўлган дея тахмин қилган эдик. Аммо расмий мактубимиздаги «<http://odnoklassniki.ru/uzxalqharakati> га нима учун тўсиқ қўйилди?», деган

сўровимизга кечикиб бўлса-да, куйидаги мазмунда жавоб олдик:

Ҳурматли фойдаланувчи,
Гуруҳга Лицензия шартномаларининг 7.4.3. моддаси бузилгани учун тўсиқ қўйилди ва уни қайта тиклаш мумкин эмас.

Лицензия Шартномаси шартлари билан <http://www.odnoklassniki.ru/regulations> линки орқали танишишингиз мумкин.

Ҳурмат билан,
Анна
Одноклассники фойдаланувчиларини қўллаш хизмати
report.violation@odnoklassniki.ru
2013-02-14 10:17

(п.7.4.3. Лицензия Шартномасида шундай дейилади:

Лицензиатга куйидагилар манъ этилади: ... 7.4.3. ижтимоий, иркий, миллий ва диний нафрат ва адоватни кўзгоччи тарғибот ва ташвиқот; урушни, ижтимоий, диний, миллий, тил ва иркий устунликни тарғиб қилиш).

Бизнинг иккинчи “Гуруҳдаги қайси материал Лицензия Шартномасининг 7.4.3 моддасини бузгани хақида бизга маълумот бера оласизми?”, деган саволимизга эса жавоб куйидагича бўлди:

Ҳурматли фойдаланувчи,
Лицензия Шартномаси шартларига кўра:

8.23. Лицензиар Лицензиатга Ижтимоий тармоқдан фойдаланган Лицензиат Ижтимоий тармоқнинг қўшимча функциялари билан ишлашига имкони-

яти озайтирилган ва ёки тўсиқ қўйилган бўлса, қандайдир исбот, ҳужжат ва Лицензия Шартномаси шартларини бузганлик хақида гувоҳ бўладиган нарсаларни кўрсатишга масъул эмас.

Лицензия Шартномаси шартлари билан <http://www.odnoklassniki.ru/regulations> линки орқали танишишингиз мумкин.

Ҳурмат билан,
Александр
Одноклассники фойдаланувчиларини қўллаш хизмати
report.violation@odnoklassniki.ru
2013-02-15 14:19

Шундан кейин <http://odnoklassniki.ru/uzxalqharakati.com> манзили остида ЎХХнинг янги гуруҳи ташкил этилди ва ярим йил фаолият кўрсатгач, бу гуруҳ бугун 29 августда блок этилди. Яна ҳеч қандай огоҳлантириш ва тушунтиришлариз.

Яна 7.4.3 дерсиз? Эҳтимол, ҳар ҳолда Ўзбекистондаги диктатурадан ким норози бўлса, зудлик билан террорист ва экстремистга айлантирилади ҳамда инсоният бошига тушган барча қулфатларнинг айбдорига айлантирилади.

Аслида, ўзингиздан қолар гап йўқ, бошқа сабаб ҳам бор. Рақс тушаётган чолбобони кўргач, “Ота”га бирор совға бергиси келиб қолгандир-да. Тўғри, бунақа совға бироз хунук, лекин, чолга ёқса бўпти-да! Ахир ҳар куни — Мустақиллик Куни эмас-ку! Балки қария янаги Мустақиллик Кунига ё бор ё йўк...

ЎХХ таҳририяти

ОЛАЙГАН КЎЗЛАР ЧАМБАРИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК

Мустақиллик «шарофати» билан ҳар йили 31 августни байрам қилиш удумга айланди...

Мана, 31 август яқинлашиб келаяпти, ҳукумат бу санани нишонлаш учун астойдил тайёргарлик кўраяпти.

Яъни, шаҳар кўчаларини мелиса зоти босиб кетди. Ҳар дарахт, ҳар тўнканинг тагида тўп-тўп мелиса. Буни бизда «усиление» дейишади.

Тўғрида, «Каримов шарофати билан» эришган «Энг улуг, энг азиз мустақиллигимизга» кўз олайтираётган давлатлар озмунчами?!

Сақлаш, сақланиш керак у ёвузлардан. Шунинг учун куч ишлатар тизимларни янада кучайтириш, кучайтирганда ҳам ҳар бир одам, ҳар бир бурчак тўлиқ назоратга олиниши керак. Бу донолар доноси муҳтарам буюк иқтисодчи раҳнамомизнинг

кунгил истакларидир. Мустақиллик бу сизга трали вали эмас, бу йўлда озмунча азоб-уқубатларни тортмадиларми ахир у муҳтарам зот.

Кўчага чиқсанг ҳамма жой ям-яшил, арчалар ҳам, униформадаги мелисалар ҳам, ям-яшил. Беихтиёр Ғ.Ғуломнинг «Кўм-кўк» шеъри ёдга тушади. Бир чет эллик, «Нима, сизларда фавқуллодда ҳолат эълон қилинганми, намунча кўчаларингни ҳарбийлар босиб кетган?-деб сўраганини эшитганим бор.

700.000 ИИВ ходими бор экан бизда.

Ана сизга армия!
Акамнинг хурсандчилиги эсимга тушади:

-Мана энди биздаям ўз мелисамиз бор,-деган эди жияним ишга кирганида.

Унинг фикрича ҳар бир оиланинг ўз мелисаси бўлиши керак!
Ўзингни ўзинг асра,-шиори бу.«БОМБА» Узбекфильм эсга тушадими)

Байрам яқин!
ЖЭК ходимлари уйма-уй юришиб ўз вақтида газ, электр, квартира ҳаққини тўламаганларни сиқувга олиш даври келди, Байрамларингиз муборак!

- Болам Қозоғистонда, у яқинда пул жўнатади, пул келиши билан тўлаймиз,-дейди кўзлари жовдираб 65 ёшли онахон.

ЖЭК ходимлари унга ишонмайди: «3 ойдан бери алдаб келади бу алвасти. Слесарлар ишга тушишади, иссиқ сув кесилади, ток узилади. 2-гуруҳ ногирони зимистонда қолади.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, ОНА-ХОН! БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН!
Муслим Ҳаққул

28 август куни Қарши шаҳрида Ўзбекистон мустақиллиги санаси муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Шаҳар марказий истирохат боғининг Амфитеатрида бу байрам тантаналари бошланганлигини гумбураган салютлардан билдим. Ҳа, ҳар қалай байрамни ўзини кўрмаган бўлсамда, Қарши осмонида порлаган салютларни кўриб қолдим.

Насиб этган бўлса, байрам тадбирларини эртага, 29 август кунда кўп қатори, телевизорда кўрарман.

Болаларим уларни ҳам байрамга олиб боришимни, томоша қилмоқчи эканликларини айтиб қолишди.

“Бу байрамни фақат телевизордан кўришимиз мумкин, у ерга бизни яқин йўлатишмайди.” – тушунтирган бўламан мен.

“Нега?” – хайрон бўлиб сўрайди кичкина кизим.

“Бу байрам одатда халқники дейилди, асосан у ерда ҳукуматда ишловчилар байрам қилади”. – дея аниқлик киритаман. Болани подшоҳга ўхшатишди. Чунки у имкон қадар ўзининг болаларча “сиёсатини” ўтказишга уринади. Ҳаётда эса ҳар бир истакни ҳам бажариб бўлмастлигини тушунтириш жуда ҳам мураккабдир. Осмонда яраклаган, гумбураган салютни кўрган фарзандларим қувонганини кўрсангиз эди, буни тил билан тушунтириб беришга ҳам ожизман аслида.

Мустақиллигимизга 22 йил тўлибди, бизга истиқлол тантаналаридан тегадигани осмонга отилган салютлар бўлди холос.

“Мустақил бўлганимизда нима топдигу, нимани йўқотдик?” – деган савол истақсизми ёки йук, барибир хаёлингизга келади. Менда ҳам шундай савол туғилди. Тўғриси айтганда, Қарши шаҳрида кўрам бинолар қад кўтарди, шаҳримиз обод бўлаяпти. Бу таҳсинга сазовор. Буни кўрмаган инсонни кўзи кўр бўлади ахир! Халқнинг аҳолида қандай ўзгаришлар рўй берди дерсиз?

МУСТАҚИЛЛИКДА ТОПГАНИМИЗ МАНА ШУ ҚЎРҚУВ ЭМАСМИКАН?

Мен ҳаммиша дунёга ўз дунёкарашим билан боқаман. Барча бўлаётган муаммоларга бефарқ эмасман. Шу сабабли ҳам оддий халқни имкон қадар қийнаётган муаммоларини ёритиб боришга ҳаракат қиламан. Нега дерсиз?

Жуда кўп муаммоларни ҳукуматдагилар кўриб-кўрмаганликга олишади. Очик жамиятда яшасак муаммоларни кўрсатиб турилса, албатта мансабдорлар бунга бефарқ қарашмайди, имкон қадар уни бартараф этишга ҳаракат қилишади деб умид қиламан. Ахир айтадиларку: “Танкид келажакнинг меваси”. Булар ҳаммаси мана шу ватанга ва мана шу элга бўлган муҳаббатимдир балки... Юзинг, кўзинг демай аниқ қилиб айтадиган бўлсам, оддий инсонлар муаммолар гирдобиди яшашга маҳкум этилгандек. Улар учун тирикчилик қайғуси олдинги ўринда туради. “Қани эди, халқимиз ўз ватанида иш билан таъминланса, ўз оиласи бағрида бўлса”. – деган хаёлга ҳам ботаман.

“Орзуга айб йўқ” дейдиларку. Истиқлол даврида ўзбеклар онгига

“мустақиллик” сўзи билан бирга “мардикор” сўзи ҳам кириб келди. Буни ҳам тан олмай иложимиз йўқ! Бозорларда, ҳаттоки йўлларда ҳам мардикорларни учратмаган инсон бўлмаса керак. Собик иттифоқ давридан қолган завод ва фабрикалар тугатилмаганда эди, ёш авлод қанча-қанча ишларни амалга оширган бўларди. Улар Ватанимизни янаям гуллатган бўлмасмиди? Ўзга юртларга иш

излаб кетишга ҳам зарурат қолмасди.

Халқимиз ҳали ҳам сабрил халқ! У ҳеч қачон

иш топиб бер, нон топиб бер демайди. Ёки ёлғонми бу сўзим? Электрсиз, газсиз, сувсиз қолса ҳам чидайди ва тирик қолиш имконларини излайди. Чунки у мустақил юртимизнинг фуқароси да! Демак, у мустақил ҳолда яшаб қолиши учун имкон излаши керак. Керак бўлса таппи ёқади, шам ёқиб уйини ёритади, сувсиз қолса ер тагини қавлаб бўлсада, сув чиқариб олади.

Фақат ҳукумат унга тегинмаса, у ҳукуматга тегинмаса бўлди эди. Бундай халқни бошқа юртларда кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Халқнинг ҳаммаси шу ҳолатда демайман, “қулоқсизлари” ҳам бор. Ўша бармоқ билан санарлик даражадаги “қулоқсизлар” ҳақ – ҳуқуқини талаб қилганининг ўзи етарлик эмасда. Буни эса бутун халққа тушунтириш қийин менимча. Қўрқув деган бир иллат халқимизнинг ҳам қонқонига сингиб кетди. Аввал мана шу иллатни йўқ қила олсак эди...

Мустақилликда топганимиз ҳам мана шу қўрқув эмасмикин?

Гулшан Қораева

ЎҒРИ «ЎҒРИНИ УШЛА!», ДЕБ БАҚИРАЯПТИ

Шу йил 24 августга ўтар кечаси юз берган ҳодиса — ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг уйига ўқ отилган кеча ҳақдаги хабар — қутилганидек матбуот қаллоблари тарафидан «шубҳа билан қутиб олинди».

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХҲ) ва унинг раҳбарига қарши ёлғон хабарлари билан «донг» таратган «Уз-ньюснет» сайтнинг эгаси Галима Бухарбаева навбатдаги дезинформациясини ёйинлади: «ЎХҲ тунда Солиҳнинг уйини ўққа тутиш билан сўнги йилларда бошқа ўзбек фаол муҳолифатчиларини йўқ қилишга уриниш ва қотилликлар ўртасида параллел борлигини кўради. 2011 йилнинг сентябрида Россиянинг Иваново шаҳрида ўзбекистонлик гастарбайтерлар орасида катта обрўга эга бўлган ўзбек имоми Фуад Рустамхўжаев ўлдирилган. Улимидан ярим йил олдин, у ЎХҲ ташкилотига қўшилган эди. 2012 йилнинг февралда Швецияда имом Обид қори Назаровни отиб кетишди, бир ярим йилдан бери у команда қолмоқда. 2007 йили Қирғизистоннинг Уш шаҳрида ёш журналист Алишер Соипов ўлдирилди, айна пайтда у ҳам



Солиҳ билан яқин алоқалар ўрнатгани» (uznews.net/).

Қ а е р д а , қайси нашрда ЎХҲ бу «параллел»ни ўтказди?

Нега Бухарбаева бу иддао учун адрес бермади ёки бераолмади?

Беролмайди, чунки бундай «иддао»ни ЎХҲ қилмади. Бу «иддао» «Озодлик» радиосига оиддир. Марҳамат, бу иддаонинг адреси: <http://www.ozodlik.org/content/article/25086571.html>.

Бу безбетларча қилинган бир ёлғон ва деинформация бўлмаса, нима?

Фақат бу абзац эмас, балки ЎХҲ ники деб берилган қолган ташхислар ҳам тўлалигича «Озодлик» радиоси редакциясига оид ва унинг расмий саҳифасида босилгандир.

Бухарбаева шаллақи услубида ёйинлаган бу дезинформациясини ЎХҲ лидерини дезинформацияда айблаб яқунлайди: «Муҳаммад Солиҳ ўз пиари учун очикча ёлғон ўйлаб топиши билан танилган».

Бу билан Бухарбаева Ўзбек диктатори Қаримовнинг инфаркт булганлиги ҳақда тарқатган ЎХҲ хабарини назарда тутди.

Эсингизда бўлса, инфаркт ҳақдаги хабарни Қаримовнинг қизи «тасдиқламагани» учун Муҳаммад Солиҳ маломатга қолган эди. (Гуё Қаримовнинг қизи ўз отасининг касаллиги тан олиши керакдай).

Гулнора «отам ўша кун 2 дақиқа рақсга тушгани, қандай қилиб 20 дақиқа рақс қилган одам инфракт булиши мумкин?» дея бу хабарни «тасдиқламади».

Аммо Қаримов ҳукумати бу хабарни инкор қилиш учун бирорта расмий баёнот бермади.

Боз устига, бу хабар тарқалгандан сўнг Қаримов 8 кун давомида ҳеч кимга кўрингани йўқ, чунки оғир ётганди.

Фақат саккизинчи кун, сал ўзига келиб, инфаркт ҳақдаги хабарнинг тўғри эмаслиги исбот қилиш учун Қозоғистон ташқи ишлар вазири билан — кун тартибида бўлмаса ҳам — «учрашди».

Аммо И.Қаримовнинг ТВ да кўринган турқи унинг касал эмаслигига ҳеч кимни ишонтира олмади.

ЎХҲ хабар маркази

ТУБАН СИЁСАТ МУНТАЗАМЛАШДИ

Мухолифат вакиллари назарида Ўзбекистонда танқидчиларни “Тозалаш” кампанияси иш бошлади. Асосиз қамашлар, адолатсиз судлашлар, айбланувчиларнинг ҳуқуқларини систематик тарзда поймол этиш кенг тарқалган. Каримов тизими ўзини ҳеч кимнинг олдида жавобгар ҳис этмайди, деб ёзади Америка овози.

Ўзбекистондаги айни вазият маҳаллий фаолларга нисбатан жиноий ишлар уюштирилиши давом этаётгани билан эмас, балки бундай сиёсий ишлар мунтазамлашгани билан диққатни тортади.

Бу вазиятларнинг энг ишончли исботи сифатида Ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг уйи ўққа тутилганини олсак бўлади. Маҳаллий фаолларга кўра, ҳозирда турли айбловлар бўйича суд ҳукми чиқиши кутилаётган ишлар ортида аниқ сиёсий сабаблар ётибди.

Бухорода одам савдосида айбланаётган “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари вакили Бобомурод Раззоқовнинг иши судга кўчган. Франциядаги “Ўт юраклар” клубининг Жиззахдаги фаолларидан бири Набижон Жўрабоевнинг товламачиликда айбланиши ортида унинг инсон ҳуқуқлари борасидаги фаолияти ётгани таъкидланмоқда.

Июль ойида Ўзбекистон суди Францияда жайлашган Марказий Осиё инсон ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари Надежда Атаева ва унинг отаси, собиқ вазир Олим Атаевга нисбатан 13йил аввал очилган жиноий ишни кўриб чиққан. Талон-тарож ва иқтисодий жиноят бўйича чиқарилган ҳукмга кўра, Надежда Атаева сиртдан олти йил қамок жазосига ҳукм қилинган.

“Назаримда, фаолларга нисбатан сўнгги жараёнлар ҳукуматда инкйроз бўлаётганидан дарак беради. Масалан, бизнинг ишимизни олайлик, муддати 2014йилда тугаши керак эди. Бироқ ҳукуматда ҳалигача ўз лавозимларини сақлаб турган амалдорларнинг ҳам алоқаси бўлган бу ишни бугун кўриб чиқишни маъқул кўришган. Умуман, бу иш юзасидан кўлимда бирорта расмий ҳужжат йўқ, иш мутлақо ҳимоя томони иштирокисиз кўрилган. Ҳукм фаолиятимга бирор таъсир ўтказмайди. Аксинча, мен Ўзбекистонда судлов қандай ўтиши, кимга ва нималарга хизмат қилиши ҳақида бир ҳисобот



ҳозирлаш устида ишламоқчиман. Биз Ўзбекистонда турли айбловлар орқали жиноий иш уюштираётганларнинг ўзларини ҳам жавобгарликка тортишга эришимиз керак”,- дейди Надежда Атаева.

2014йил охирида парламент сайловлари, 2015йил бошида эса президент сайлови ўтиши керак. Ўзбекистон президентлиги учун сайловларда мухолифат вакиллари ҳам ўз номзодларини кўрсатишади. Албатта, бу хабар айни ҳукумат бошчиларини анчайин хавотирга солди ва бунинг оқибати ўларок давлат ичкарисида юқорида айтилган вазиятлар юзага келди.

Чарос.

М.СОЛИҲ: «ТЕРГОВДАН КЕЙИН БАЪЗИ ФИКРЛАРНИ БИЛДИРИШ МУМКИН»



Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тарқатган хабарга кўра, ҳаракат раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг Истанбулдаги уйи ўққа тутилган.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати веб-сайтига кўра, ҳодиса 23 августдан 24 августга ўтар тунида рўй берган.

Жаноб Солиҳ яшайдиган уйнинг эшигига қарата ўқотар қуролдан бир неча марта отилган. MS 2004 113

Ҳеч ким жароҳатланмаган.

Истанбул шаҳри полициясига хабар берилган, ушбу ҳодиса юзасидан тергов бошланган.

Би-би-си ҳодиса қандай юз берганини Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раҳбари Муҳаммад Солиҳдан сўради.

«Мен бу пайтда юқори қаватда ухлаётган эдим. Уғлим келиб уйғотди. Тушиб қарасам, ҳақиқатдан ҳам киришдаги эшик ойналари синган. У ердаги кўриқчилар «йўл тарафдан отишди, дейишди», деди жаноб Солиҳ. Жаноб Солиҳнинг айтиши-

ча, маҳаллани кўриқлайдиган кўриқчилар ўқ овози эшитилган то-

монга боришган, у ердан бир автомобил жўнаб кетганини кўрганлар.

Кўриқчилар полицияни чақирганлар.

Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, 24 август куни Истанбул полициясининг бир неча бўлими терговчилари келиб текширишни бошлаганлар.

Терговчилар яқин-атрофда ўрнатилган кузатув камераларидаги ёзувларни ҳам ўрганишни бошлаганлар.

Жаноб Солиҳ сўзларига кўра, терговчилар ўқотар қуролнинг тўппончадан катта қурол эканини айтганлар.

У ўзининг яшайдиган бўлгасини жиноятчилик кучаймаган, «ўзига тўқ инсонлар яшайдиган» бўлга деб атайди.

«Мен ҳозир кўп гапира олмайман. Чунки ҳозир тергов ишлари кетаяпти. Терговда баъзи нарсалар маълум бўлиши мумкин. Ана шундан кейин баъзи фикрларни билдириш мумкин. Тафсилоти аниқ бўлмагани учун бирор нарса дейиш қийин», дейди Муҳаммад Солиҳ.

Ушбу ҳодиса юзасидан Би-би-си Истанбул полицияси билан боғланди.

Туркияда яқинда куни дам олиш куни бўлгани муносабати билан масъуллар ишламаётгани ва бу борада маълумот берилмаслигини айтди Истанбул полициясининг телефон гўшагини олган ходими.

bbc.co.uk

АБОРТ ТУФИЛМАСДАН НОБУД БЎЛГАН ГЎДАК НОЛАСИ!



Энди урган жажжи юрагим,
Армонлардан бўлди паймона,
Ё йўқмиди айтинг керагим,
Нечун мендан кечдингиз она.

Темир тиглар, темир қайчилар,
Нимталади мурғак танамни,
Кетаяпман бунчалар эрта,
Кўролмасдан ёруғ оламни.

Нолаларим тингламас ҳеч ким,
Кетгим келмай зор-зор йиғладим,
Хамма сикқан бу кенг дунёга,
Нима учун бир мен сиғмадим.

Ўзи бир бор келиб дунёга,
Яшамоққа бўлмаса ҳақким,
Ахир мени сизларга берди,
Неъмат этиб яратган тангрим.

Нахот сизлар шундай бешафқат,
Гуноҳимиз не бизни айтинг?
Аборт қилдирмоқчи бўлганлар,
Илтмосим бу йўлдан қайтинг.

Шоира

ТОШКЕНТДА “АРСЕНАЛЬ” ТОЗАЛАШ ОПЕРАЦИЯСИ” ЎТКАЗИЛМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИКМИ ЁКИ МИЛИЦИОНЕРЛАР БАЙРАМИ?



Қуйида бизга Тошкентдан бевосита юборилган матни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бу матни бизга Ўзбекистон ИИБ қошидаги Милиция Академияси талабаси Фахриддин Тилло юборган. Ўқинг, бу қизиқ...

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамининг 22 йиллиги муносабати билан катта тайёргарлик кўрилмоқда. Асосан фуқароларнинг “ҳавфсизлиги” юзасидан турли хил ишлар амалга оширилмоқда. Республиканинг вилоят ва шаҳарларидан келаётган мардикорлар “прописка” баҳонаси туфайли ўзбек миршаблари томонидан қувилмоқда. Ушланганлари эса, “Панельный” га ҳибс этилиб, 15 суткадан қамоқ жазоси белгиланмоқда. Қолган фуқаролар эса, вилоят ва шаҳарлар ИИБга мурожаат қилиниб, “терроризм”га алоқаси бор ёки йўқлиги аниқланиб, қўлларидан “отпечатька” олинмоқда...

Тошкент марказида, вилоят ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан, “Арсеналь 2013” номли “тозалаш операцияси” олиб борилмоқда. Бу тозалаш, “операция” ишида ИИБга қарашли, “Милиция академияси”нинг ёш талабалари ҳам жалб қилинган. Қизиғи шундаки, пойтахтнинг диккатга сазовор жойларида ва ҳар бир қадамида “яшил чироқ” “дўст”ларимизни учратиш мумкин. Тошкент кўчаларида ИИБ ходимлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрганларида эса, қўлларидан дубинка, “рация” сўзлашув аппаратлари, оёқларида эса кержавой этиклар. Айниқса, метроларга кираверишда итлар ва телефон аппаратлари ўрнатилган бўлиб, бу телефон аппаратларига собиқ Иттифокдан қолиб кетган “прямой линия” асосида сўзлашадиган мосламалар ўрнатилган.

Метрога кираётган ҳар бир фуқаронинг қўлидаги сумка ва жиҳозлари текширилмоқда. Метронинг ички ва ташқи йўллақларида эса, “Огоҳ бўлинг! Огоҳ бўлинг!”, “Огоҳлик давр талаби” каби сўзлар билан катта рамкалар ичига олинган, “чиройли” сўзлар билан битилган “реклама”ларга кўзингиз тушади. Гўёки, бу байрам фақат ИИБнинг ходимларига тегишли.

Қолганлар эса, шунчаки, келиб-кетувчи инсонлар...

Бизга ИИБга қарашли бўлган, “Милиция Академияси”нинг талабаларидан бири бўлмиш, Жаҳонгир Султонов қўйидагиларни сўзлаб берди. “Мен ҳар куни тонг саҳарлаб, Тошкент шаҳар ИИБга сотати 5-6 лар атрофида бўлишим шарт. У ерда ИИБнинг ходимлари келганича, менинг

қўлимда битта дафта, ручка ва қалам хуллас калом, талаба учун бўлиши керак бўлган ҳамма нарсалар. Биз биринчи “дарс”ни шаҳар ИИБнинг полковниги ва унинг қўл остида бўлган ходимлардан оламиз. Биз бу дарсада “маънавият ва маърифат”, “жиноятни олдини олиш”, “ИИБга тажовуз қилганда ходим ўзини қандай тутмоғи керак?”, “Тинчлик йўлида ва Ватан фидойилиги учун, ИИБнинг ходими ўз жонини Ватан учун тикламоғи шарт”, “Ўзбекистоннинг ташқарисида ва ичкарисида содир этилаётган жиноятлар ҳақида маълумотлар”, ҳозирги кунда “ЎХХ” деб аталмиш қора кучларга эътиборни кучайтириш”, “Фуқароларимизни бу ёт унсурлардан қандай тозалаш мумкин” каби узундан-узун курак сафсага гаплар. Биз ўз кизиқишларимиз юзасидан Вазириликдан келган “биродарларимиз” билан савол-жавоблар ўтқазамиз. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ходимлари ва Тошкент шаҳар ИИБнинг ходимларига “ЎХХ” тўғрисида саволлар билан мурожаат қиламиз.

Улар бизнинг саолларимизга имижимида жавоб беришади холос. Кейин биз талабалар, “ЎХХ” қандай ҳавф туғдириши мумкин? Улар Ўзбекистонда ҳуқуқий ва демократик давлат қуруш мақсади борлигини айтсак, улар “Ўзбекистонга демократия киритамиз” деб фуқароларни тинчини бузмочклар.

Доно раҳбаримиз И.Каримов белгилаб берган чизиқдан биз чиқмаслигимиз шарт. Биз ўз олдимизга қўйилган вазифани аъло даражада бажармоғимиз лозим. Биз асосан жамият ва давлатимиз олдида катта ҳавф туғдирмоқчи бўлаётган, ёвуз кучларга айниқса, ҳозирги кунда глобаллашуви бораётган “терроризм”, “экстремизм”, “фанатик”ларга қарши курашмоғимиз даркор. Улар бизнинг тинчлигимизни кўролмайд.

Турли хил диний оқимлар остида бизни мамлакатимизни парчалашга уринмоқдалар. Биз қандай бўлмасин Ватанимиз худудларини кўрикланишимиз шарт ва улардан тозаланишимиз керак. Биз талабалар, “ЎХХ аъзоларига қарши қандай иш тутамиз?” деб савол берсак, ИИБнинг маъсул ходими эса, “бизнинг тегишли дастур ва тадбирларимиз бор. Биз маънавий жиҳатдан тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак. Яъни, президентимиз айтганларидек, “фикрга қарши фикр” курашишнинг энг осон йўли.

ЎХХнинг интернет сайтларида чоп этилаётган материалларни ўрганиб чиқиб, улар тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш. Агар улар биздан устун келсалар унда улар тўғрисида махсус “дело”лар очилади. Уларга нисбатан ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155 моддаси асосида “терроризм” айби юзасидан жиноий иш очилиши мумкин. Бу ҳавфсизлик нуқтаи назари асосида олиб бориладиган ишга қиради. Ўзбекистон МХХ бу “иш” юзасидан ИИБга махсус кўрсатмалар асосида қилиниши керак бўлган ишлардир. Биз эртанги ва бугунги махсус қисмларга бўлиб берилаётган вазифаларни ИИБнинг ходимлари “рапорт” ёзиб бошлиққа бермоғи лозим. Кимда ким ушбу ишни пайсалга солса, ўқув академиясидан “отчисления” қилинади. Яна бир янгилик бор. Эрта ва индин “Пахта 2013” “операция”си бошланади.

Бу ишда ҳам, сизлар жалб қилинасишлар. Шунинг учун ҳар бир милиция вакили курул ва асбоб-ускунасини мойлаб туриши, “жанг”га тайёр бўлиб турмоғи шарт...” “Кимда яна саволлар бор?” деб мурожаат қилган вазирилик ходими “фақат илтимос ЎХХ тўғрисида кам саволлар бўлсин? Бўлмаса, аудиторияни бўшатишларингизга тўғри келади. Интернетни камроқ ўқиб, жаноби президентимиз И.Каримовнинг, “Маънавият енгилмас куч” номли китобини ўқишларингизни ҳар бир талабадан талаб қиламан...”

Фахриддин Тилло

ВАТАНДАГИ ГАДОЛАР, ДЕРЛАР “ВАТАНГАДОЛАР”!

*Фурбатдаги гарибни, мададкори Худодир,
Ватангадо деганлар, Ватан ичра гадодир.
Ҳақ гапни айтолмас, ишлаб пул тополмас,
Ойлаб ҳаққин олмас, юрак бағри адодир.
Тезак ёқиб кун кўрса, юшк бири оқ ун кўрса,
Ойнада ўзин кўрса, шу етарли “баҳо” дир.
Ой ёруттар тунларин, гам тугатар кунларин,
Кўрсангиз ажинларин, айтилмаган нидодир.
Чора топмай ўйланар, ўгли қандай ўйланар,
Мустақиллик қуйланар, дерлар; “жоним фидодир”.
Эркидан жудо банди, эғнида эски жонда,
ИАКни қилмас канда, фаросатдан жудодир.
Ватандаги гадолар, дерлар; “ватангадолар”,
Шу сизларга Саҳвийнинг, дилндази садодир.*

Абутов Мухаммадсолих

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКЛАР. ХЎРЛИК ВА ХАҚСИЗЛИК.

ВВС радиосининг ўзбек хизматидан олинган маълумотларга таянсақ, кейинги икки ой ичида Россияда ўзбекистонликларга нисбатан тўртта босқинчилик ҳолатлари юз берди. жами 5 нафар ўзбекистонлик ўлдирилди, 15 нафарига оғир тан жароҳатлари етказилди.

1 июль куни шаҳар марказидаги икки уй ёқиб юборилди. Липецк шаҳар Большие Ключи ва Ворошилов кўчаларидаги ёнғин оқибатида 4 киши қурбон бўлди ва 6 киши куйиш жароҳатини олди.

Липецк области ИИБ матбуот хизмати раҳбари Наталья Маслакованинг айтишича, номаълум шахслар уй деразаларини синдириб, ичкарига ёнувчи қуюлмалар солинган идишларни отишган.

Аввалига Большие Ключи кўчасидаги 46-уй ёқиб юборилган. Уйда 66 ёшли ўқитувчи ва унинг рафиқаси бўлган.

Уларнинг кровати деразага яқин бўлганлиги сабабли ёнувчи суюқликнинг каттагина қисми уй соҳибларига жиддий шикаст етказган.

Ёнғин оқибатида эркак 4-даражали куйиш жароҳати билан шифохонада жон берди.

Ворошилов кўчаси 52-уйда эса ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари оиласи яшар эди.

Уларнинг барчаси расмий ҳужжатларга эга ва областдаги ташкилотларнинг бирида қонуний ишлардилар.

Юқоридаги сингари деразадан отилган ёнувчи суюқлик оқибатида уйда аланга кўтарилди.

Натижада 3 нафар ўзбекистонлик воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди, яна 4 нафари оғир жароҳатлар билан шифохонага жойлаштирилди.

Бир ойда 6 ўзбек пичоқланди.

15 июль куни кеч соат 20.10ларда шаҳарнинг Потапова проездидан номаълум шахслар ўзбекистонлик муҳожирга ташланган ва унинг кўкрагига пичоқ санчишган.

Муҳожир тез орада шифохонага олиб борилган ва ҳанузгача кўкрак қафаси жароҳати туфайли даволанмоқда.

31 июль куни эса Циолковский кўчасида 2 нафар ўзбекистонлик йигитларни пичоқлаб кетишди.

32 ёшли бу йигитлар ҳам Россияга ишлагани келишган эди.

Жабрланувчилар оғир тан жароҳатлари туфайли касалхонага жойлаштирилди.

Мен ҳалқим учун яшайман, ўзбек учун жоним фидо дейдиган «Ота» эса ҳалқининг бегона юртларда бундай хўрликлар билан «бир бурда нон» топайтганидан хабари йўқ. Бўлса ҳам уларга ҳеч қандай ёрдами тегмайди. Ишлаб келиш учун бошқа давлатларга кетган «дангасалар» устидан эса бу каби хўрликлар кундан кун ортиб борапти.

Бутун бригадага ҳужум

23 дан 24 августга ўтар кечаси соат 03.00 ларда Каменный Лог кўчаси



39-уй яқинидаги қурувчилар вагонига ҳужум уюштирилди.

Бу вагонда ўзбекистонлик 4 нафар ишчилар яшар эди. Босқинчилар болта ва пичоқлар билан қуролланган эди. Ўзбекистонликнинг бири юрагига санчилган пичоқ зарбидан шу заҳоти жон берди. Қолган уч йигитлар оғир тан жароҳатлари олишди.

19 ёшдан 33 ёшгача бўлган ўзбек ишчилари кўп қон йўқотишганига қарамай, “тез ёрдам” чақиришга муваффақ бўлдилар. Йигитлар шаҳар шифохоналарига олиб борилди ва тезлик билан операция столига ётқизилди.

Жабрланувчилар тожик миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари бўлган. Амир Мақсудовнинг кўзига пичоқ санчилган, шифокорлар унинг кўз олмасини олиб ташлашга мажбур бўлишди. Анвар Мелихоновнинг бошига болта билан уришган. Алишер Ахмадхоновнинг эса жароҳати-ўпкасига шикаст етган.

Ҳозир уччала жабрланувчилар шифохонанинг жонлантириш бўлимида, уларнинг аҳволи оғир.

“Толиб қўлимда жон берди”

Липецкнинг “Мой город” газетаси таҳририяти мазкур ҳодисани яқиндан ўрганди. Босқинчилик қурбони бўлган ўзбекистонликлар ҳақида таниганлар илқ фикр билдирилди.

“Гастарбайтерлар Каменной Логда липецкликлар қўлида ишлашган. Бу онгли равишда содир этилган босқинчилик”, деб ёзади GazetaMG.ru.

- Улар аниқ ўлдириш мақсадида келишган, — дейди манба, — чунки ҳеч нима йўқолмаган. Бунинг устига ишчи йигитлар жуда яхши, тарбияли бўлишган. Россияга пул ишлаш учун келганлар, эртадан кечгача тиним билмай ишлаганлар. Бировга ёмонликлари йўқ эди.

Вафот этган йигитнинг исми Толиб бўлиб, маълумоти бўйича ҳисобчи эди.

Ўз юртида унинг хотини ва ҳали ўзи бирон мартаям кўрмаган 8 ойлик чақалоғи қолиб кетди, деб ёзади GazetaMG.ru.

“Толиб хатто нима бўлганини ташунмай ҳам қолди. У қўлимда жон берди: кулимсираб кўйдию кўзларини юмди”, дея эслаган Амир мудҳиш воқеа ҳақида.

Шифокорлар ишчиларнинг соғайиши борасида 2 ой муддати-ни айтганлар, лекин миясига болта

урилган ишчи ҳақида бир нима дейиш қийин.

Ишчилар уйга қайтиш тараддудида бўлишган, ҳатто Ўзбекистонга кетиш учун чипта ҳам олишган эди.

Аммо улар уйга қайтишадими ёки қайтишмайдими, қайтсалар ҳам қандай аҳволда, уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бечора ўзбек бегона юртларда бола-чақа боқаман деб сарсон-саргардон бўлаётган бир вақтда диктатор Каримов тахтни олиб қолиш мақсадида жони ҳалак. Ўзбек муҳолифатини йўқ қилиш учун бутун кучини сарф этипти. Лекин юртидан олисда, болаларини соғиниб интизорликда кун кечириётган, балки кўча супураётган, пол артаётган ва ё иссиқ-совуқ демасдан қурилишларда, оғир ишларда ишлаётган бегуноҳ одамларнинг ҳам уволи борку...

Таиландда ўзбек фуқароларига ўлим жазоси таҳдид солмоқда

Озодлик радиоси билдиришича, Таиландга ишлаш учун борган ўзбек фуқаролари турли жиноятлар билан айбланиб, уларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилиши мумкин. Таиландда ўзбек фуқароси тўрт полициячи билан бирга италиялик сайёҳларни кўрқитиб, пулини олишга уринганликда айбланмоқда. Яна бири эса август ойи ўрталарида Таиланд пойтахти Бангкокда қиз ўртоғини ўлдириб, жасадини чемоданга жойлаб, сувга ташлаганликда гумонланаётган Собиржон Собиржонов исмли ўзбекистонлик фуқаро эди. Бу Таиландда ўзбекистонликлар қўлга олиниши билан боғлиқ биринчи ҳолат эмас.

Миллатчилик оқибати бўлиши мумкин ВВС мухбирлари Ўзбекистонлик муҳожирларга нисбатан кетма-кет содир этилган босқинчилик жиноятлари юзасидан Липецк области ИИБ билан боғланишган:

- Барча ҳолатлар юзасидан жиноий ишлар кўзғатилган, — дея маълум қилади Липецк области ИИБ Матбуот хизмати раҳбари Наталья Маслакова. — Босқинчилик ҳолати юзасидан тезкор-қидирув тадбири ўтказилмоқда. Мазкур ишга энг яхши тезкор жиноят қидирув бўлими ходимлари жалб этилган. Жиноятчилар бошларига кепка бостириб олган ва юзларига тиббиётчилар ниқобини тутиб олган бўлганликлари учун уларни топиш бироз қийинлашмоқда.

Наталья Маслакованинг айтишича, ўзбекларга босқинчилик маълум бир жиноий гуруҳ эмас, балки липецкликлар орасида ўтган ойларда кучайиб кетган миллатчилик тарафдорлари томонидан содир этилган.

Аслида русларнинг миллатчилик қилишга ҳақи йўқ десак ҳам бўлади. Сабаби, Улуғ Ватан Уруши йилларида неча минглаган руслар Ўрта Осиё мамлакатларига келиб паноҳ топганлар. Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларидан Россияга бориб ишлаётганларнинг аксарияти улардан ҳалол меҳнатлари эвазига маош олмақдалар.

МУСТАҚИЛЛИКГА БАҒИШЛАБ

Бугун “Мустақиллик” дея, жар солиб,
Кўринглар, мадхия, шеър битганларни.
Албатта, бугунги авлодлар билмас,
Бу йўлларда кимлар, қон ютганларни.

Ўтмишни унутиш, асли катта айб,
Тарихсиз авлодлар, мажруху-майиб,
Кўринглар, дахрийлар, ғоясин ёйиб,
Диндорлар уруғин, куритганларни.

Киличларга бериб, кизил қондан зеб,
Элини, юртини, динни ғамин еб,
“Ватанни асрайлик, босқинчидан” деб,
Улуғ кураш учун, жон тикканларни.

Бугун ҳам ҳукмдор ўша дахрийлар,
Энди руслар эмас, бу маҳаллийлар,
Ўзларича гўё, кўп ақллилар,
Душман-дер, ғафлатдан уйғотганларни.

Қанчалар фитналик, бир замон бугун,
Яна имон ахли, бағри-қон бугун,
Қаранглар, ҳаммаси, “қахрамон” бугун,
Ўзининг халқига, ўқ отганларни!

Адолатли бўлса, муфтий, имоми,
Бунчалик бузулмас, юртнинг низоми,

Бадном бўлди холис, олимлар номи,
Қаранг, динин дунёга сотганларни.

Яқин тарихни ҳам бузаяпдилар,
Ўзларига мослаб ёзаяпдилар,
Авлодлар онгидан йўқ қилипдилар,
Бу курашга жонин, бахш этганларни.

Эркин тушида ҳам, кўрмаган маккор,
“Мустақиллик учун, бўлибмиш меъмор”
Айтар эди бўлса, виждон, номус-ор,
Кимлар, Эрк байроғин, тик тутганларни?

Нима десин чўпон, пахтакор, сувчи,
Агар жим турсалар, шоир, ёзувчи,
Булар виждонларин, сотган “сотувчи”,
Кўрдикку, шаштидан тез қайтганларни.

Қанча бедодликлар бўлди зиндонда,
Мустақиллик деган, манфур замонда,
Ошиғи олчидир, Ўзбекистонда,
Ожиз мазлумларни, қақшатганларни!

Қизлари қасрлар кураш Парижда,
Қанча халқ дарбадар, юрар хорихда,
Ҳақни талаб қилсак, биз хаворижда,
Кўринглар, виждонни йўқотганларни!



Бу сохта мактовлар, қарсак уришлар,
Гердаийб, минбарда ғоздек туришлар,
Аслида, барчаси, “Ватанфуруш”лар,
Халқ билар “Ватан”-деб, ғам чекканларни.

Сендек золим токи, тирик туражак,
Буюк бўлмас асло, ўша “келажак”,
Бунинг исботини, барча кўражак,
Ҳеч рости бўлганмас, сен айтганларни?!

Озрок баён этдим мен таърифинги,
Ҳолига вой сохта, маъорифинги,
Эй халким, унутма ўз тарихинги,
Келажаги йўқдир, унутганларни!

Сахвий

ПОРАХЎРЛАР ТАҚДИРЛАНСА...



Ислом Каримов мустақилликнинг
йигирма икки йиллиги муносабати
билан Гулистон Давлат университети-
тетининг катта ўқитувчиси Фарҳод
Мусурмонқуловни «Шухрат» медали
билан тақдирлади. Президент фар-
мони чиқишидан бир ойча аввал бу
ўқитувчи абитуриентни ўқишга кири-
тиш эвазига 4000 АҚШ доллари ола-
ётганда ушлангани аниқланди.

Озодлик радиоси ёзишича, “Гули-
стон давлат университетида ишлай-
диган таниш ўқитувчим билан кеча
чойхонада ош едик. Унинг айтишича,
олийгоҳнинг катта ўқитувчиси бир
ойча аввал пора олаётган пайтда уш-
ланган экан. Буни қарангки куни-кеча
президент уни “Шухрат” медали би-
лан тақдирлади. Ўқитувчилар энди
каттароқ пора олсак балки орден бе-
ришар деб роса қулишди”, дейди Гу-
листондаги манба.

Президент 23 август куни
имзолаган фармонда Фарҳод
Мусурмонқулов, «мамлакатимизда
амалга оширилаётган маънавий-маъ-

рифий ва ижтимоий
ислохотлардаги
фаол иштироки
фаол иштироки,
самарали меҳнати,
ёш авлодни Ватанга
муҳаббат, миллий
ва умуминсоний
қадриятларга
хурмат руҳида
тарбиялаш иши-
га қўшган ҳиссаси
учун қуйидагилар
мукофотлансин»,
дейилган.

Президент эълон
қилинишидан бир
ҳафта аввал тақдирланган ўқитувчи
пора олаётган пайтда қўлга олинган
ҳақида вилоят ҳокимлиги нашри
бўлган “Сирдарё ҳақиқати” газетаси
ҳам 14 август куни ёзиб чиқди.

“Ўзбекистон Бош Прокуратура-
си ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚХ Де-
партаменти Гулистон шаҳар бўлими
ҳодимлари томонидан фуқаро
Н.Пўлатовнинг аризаси юзасидан
ўтказилган тадбирда Гулистон Дав-
лат университети “Ўзбекистонда
демократик жамият қуриш назари-
яси ва амалиёти” кафедраси катта
ўқитувчиси Фарҳод Мусурмонқулов
Н.Пўлатовдан қариндоши
Д.Азимжоновани университетга
ўқишга киритиб қўйиш эвазига 4000
АҚШ долларини таъмагирлик йўли
билан олаётган вақтда ушланган”,
дейилади мақолада.

Гулистон Давлат университети
катта ўқитувчиси бундан бир ойча
аввал ҳибсга олиниб, унга нисбатан
жиноят иши қўзғатилган.

Газетанинг ёзишича, бу тадбир мо-

байнида Фарҳод Мусурмонқулов, шу-
нингдек ГулДУга кириш имтиҳонидан
муваффақиятли ўтказиб қўйиш
учун Гулистон тумани Ҳ.Олимжон
маҳалласидаги Туркистон кўчаси,
2-уйда 12 нафар абитуриентни маъ-
лум ҳақ эвазига тайёрлаётганлиги
ҳам аниқланган.

Фарҳод Мусурмонқулов
Ўзбекистон ЖКнинг 168-моддаси би-
ринчи қисми бўйича фирибгарликда
айбланмоқда.

Гулистон Давлат университети
ректорининг ёрдамчиси Мурод Ла-
типов Озодлик билан суҳбатда кат-
та ўқитувчи Фарҳод Мусурмонқулов
устидан жиноят иши қўзғатилганини
рад этмади:

- Ҳозир у киши отпусқада. Давлат
мукофотиға тақдимот бир йил олдин
бошланади. Ушанда тақдим қилинган
бу ўқитувчи. Бошқа саволларингизга
жавоб беришга ваколатим йўқ. Бир
соатдан сўнг кўнғироқ қилсангиз, ай-
таман,- деди ректор ёрдамчиси Му-
род Латипов.

Олийгоҳнинг ўқув бўлими
бошлиғи Анвар Аралов, Фарҳод
Мусурмонқулов ишлаган ижтимоий-
иқтисодиёт факултети декани Аҳмад
Маматовлар ҳам Озодликнинг
“ўқитувчингизга қўйилаётган айблов-
да қанчалик асос бўлиши мумкин?”
деган саволига жавоб беришдан бош
тортидилар.

Ана энди порохўрлар ҳам
очиқдан-очиқ тақдирлана бошлаб-
дилар. Зотан, унинг жиноятчи экан-
лиги ҳам ошкор. Яна қачонгача бу
ҳақ ва ноҳақни ажратолмаган одам-
ни ўзимизга бошчи қилиб юрамиз?
Уйғониш вақти келмадимми ахир?

Чарос

БИЗНИНГ БИР ОРЗУМИЗ БОР ...

Озодлик радиосидан олинган янги хабар «Мартин Кинг «Менинг орзуим бор» нутқини сўзлаганига 50 йил тўлди» деб номланади. Миллатдошларимизнинг ухлаб ётган туйғуларини уйғотиш ва эзгу орзу йўлида курашдан толмасликка чиқариш мақсадида сайтимизда бу хабарни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

“Тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат ва барчага ишлаш учун имконият” шиори остида бундан 50 йил олдин, 1963 йилнинг 28 август куни АҚШ пойтахти Вашингтонда 250 мингга яқин одам юриш қилди.

Вашингтон марказидаги Ликольн обидаси олдидаги майдонга тўпланганлар фуқаровий ҳуқуқлар учун курашчи Мартин Лютер Кингнинг машҳур «Менинг бир орзуим бор» деб номланган нутқини ирод қилганига гувоҳ бўлишди. Улар бир кун келиб одамлар «танасининг рангига қараб эмас, феъл-атвориға қараб хулоса чиқариладиган мамлакатда яшашини» орзу қилишарди.

Президент Абрахам Линкольн қора танлиларни қулликда озод қилиш прокламациясини имзолаганидан юз йил ўтиб Вашингтонда ўтказилган Иш ва Озодлик учун юриш Кўшма Штатлардаги фуқаровий ҳуқуқлар ҳаракати учун муҳим босқич бошланишини белгилаб берди.

Мартин Лютер Кингнинг 15 дақиқа давом этган нутқи инсоният тарихида адолат учун энг илҳомлантирувчи нутқ сифатида танилди.

Бу нутқдан 40 йил ўтиб Кондализа Райс, Колин Пауэлл каби афроамерикаликлар мамлакат раҳбарлигининг юқори лавозимларига сайланди.

Бу нутқдан 45 йил ўтиб Америка Кўшма Штатларига қора танли киши президент қилиб сайланди.

Бор-йўғи 15 дақиқа давом этган нутқида Мартин Лютер Кинг қора танли америкаликларнинг асрий орзу-умидларини ифода қила олган эди.

Бу воқеанинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг таниқли кишилари, миллат озодлиги ва жамият ривожини учун курашган ўзбекистонликлардан Ўзбекистон учун қандай орзуингиз бор, деган саволга қуйидагича жавоблар олинди.

Чунки Мартин Лютер Кинг айтганидек, «Бирор жойдаги адолатсизлик ҳамма жойдаги адолат учун таҳдидир».



Отаназар Орипов.

Отаназар Орипов. 70 ёшли физика ва математика фанлари доктори Отаназар Орипов Ўзбекистон мустақиллик декларацияси ва Ўзбекистон конституцияси лойиҳасини ҳали мамлакат мустақил бўлмасидан туриб ёзгани билан ҳам танилган. У қуёш энергияси соҳасида қўлланиладиган кремний моддаси докторлик иши ёзган олим. Бу соҳада 50дан ортиқ мақолалари бор. Отаназар Орипов 1994 йилда сиёсий айблар билан қамоққа ташланган ва халқаро жамоатчилик талаби билан Озодликка чиқарилган эди.

- Мен дийдор эркинлиги амалга ошишини орзу қиламан. Дунёдаги барча ўзбеклар ўз кўшиларини билан чеклов-

ларсиз борди-келди қила олса, дея орзу қиламан. Истаган жойда, истаган пайтда ўзбеклар ўз элдошлари билан чекловсиз учраша оладиган кунлар келишини орзу қиламан. Биз мана истаган одамимиз билан учраша олмаймиз. Масалан, мен билан учрашмоқчи бўлганлар тазйик қилинади,- дейди Отаназар Орипов.

Тошкентда яшаётган Отаназар Орипов ўз уйининг доимий кузатувда эканини билдирди.

- Мана ҳозир ҳам кўча бошида мени уйимга ким кириб чиқаётганини иккита машинада ўтириб кузатиб туришибди дейди суҳбатдош.



Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси 92 ёшли шоир, носир ва драматург Шукрулло эрк ва озодлик ҳақида шеър ёзгани учун Сталин лагерларида умрининг бир қисмини ўтказган. 1949 йилда Шукрулло Совет ҳукуматиға қарши, Ўзбекистонни СССРдан ажратиш ҳақида шеър ёзганлик айби билан ГУ-ЛАГ қамоқларига ташланган. Шукрулло ўз миллатдошларининг ҳар томонлама эркин бўлишини орзу қилишини айтади.

- Орзуимиз ҳаммаша озодлик, эркинлик. Мана энди озодлик деймиз мустақиллик деймиз. Худога шукр мустақилликка эришдик. Эндиги орзуимиз бировни бировга қарам бўлмаслиги. Ўзимизни қадримизни билишимиз керак. Биз инсон сифатида киммиз, қадр қимматимиз борми, эркин инсон бўлдикми, ўз ҳуқуқини қўлга олган инсон бўлдикми? Мана шу саволларга жавоб топилишини орзу қиламан. Мана биз мустақилмиз. Эртага мустақиллик байрами. Эркин одам дегани қамоқдаги одам дегани эмаску ахир. Совет конституциясида ҳам кишилар эркин дейилган эди. Аммо ўша пайтдаям ҳукуматга қарам эдик.

Ёзувчи, бугунги ўзбек зиёлиларига қарата «қўрқманг», деган муждани саслангирди.

- 9 том китобим чиқаяпти. Ҳаммаси совет даврида ёзилган. Энди ўша вақтда ҳам ўз виждони билан, ўз виждонига эрк

бериб ёзиш мумкин экан. Қўрқмасдан Худога ишониб. Лекин биз шуни қилмаганмиз. Биз қилиб, ўша қамокни ҳам кўрдик. Қамокдан қайтгандан кейин ҳам виждонимизни сотмадик. Энди бу одамнинг эътиқодига ҳам боғлиқ. Эътиқод мустаҳкам бўлиши керак инсонда, имон мустаҳкам бўлиши керак. Халқ, миллат, ватан манфаатидан бошқа ҳеч қанақа қонун бўлмаслиги керак. Қонун шу. Миллат, ватан, халқ манфаати. Мана шунга амал қилиш керак. Айниқса ёзувчиларимиз, айниқса зиёлиларимиз. Бировнинг оғзига қараб, бировдан манфаат кутиб яшамаслик керак,- дейди Сталин қатағонларини ўз бошидан кечирган ёзувчи Шукрулло.

Суҳбатдошимиз ўзи устидан КГБга (СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси) ёзилган ва унинг қамалиши учун асос бўлган ҳужжатларни қўлга киритганини айтади.

Шукруллонинг айтишича, шоир Те Мур Фаттоҳ (ЎзССР гимни муаллифигах), шоир Асқад Мухтор ва ёзувчи Саид Аҳмаднинг чақув хатларини асос қилган маҳкама уни қамоққа ҳукм қилган.

Чақув хатида Шукрулло Ўзбекистонни эркин бўлишини орзу қилганликда айбланади. Тақдир тақозоси билан Шукруллони “Совет ҳукумати душмани”, деб кўрсатма берган ёзувчи Саид Аҳмадга атаб Ўзбекистон ҳукумати тарафидан 2013 йил июл ойида Тошкент марказида ҳайкал ўрнатилди.

Бу ҳолат суҳбатдошларимиз Отаназар Орипов ва Шукруллолар таъкиди-ча, мустақиллик ва эркинликни орзу қилганлар камситилаётган мамлакат нишонасидир.

Орзу қилишдан чарчаманг

Мартин Лютер Кинг тенглик ҳақидаги машҳур нутқини ирод қилганида 34 ёшда эди.

Бугун 34 ёшга кирган ўзбекларнинг қўпи тирикчилик ташвишлари қулига айлангани кузатилади.

Улар нон ҳақида эмас балки эрк ҳақида орзу қилиши тилаклари битилган китобдан иқтибос келтирсак:

“Мухтарам дўстларим, озодлик хаёлларнинг энг гўзалидир, орзуларнинг энг юксагидир. Бу хаёл ва бу орзу сиз учун яратилгандир.»

Бу сатрлар 1975 йилда, ҳали Ўзбекистон совет мустамлакаси бўлган даврда “Озодликни севган инсон” деган шеър ёзишга журъат топган шоир ва мухолифат арбоби Муҳаммад Солиҳга оид.



Муҳаммад Солиҳ

(Давоми кейинги саҳифада)

БИЗНИНГ БИР ОРЗУМИЗ БОР ...

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Муҳаммад Солиҳ.

«Эрк» партияси лидери. Шоир. 1991 йилги президентлик сайловида Ўзбекистоннинг янги тарихида Ислам Каримовга рақиб бўлган ягона шахс. Муҳаммад Солиҳ 30дан ортиқ китоблар муаллифи ва унинг шеърлари 50дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Шоир ўзбек ёшларини эркинлик ҳақида “Орзу қилишдан чарчамасликка” чорлайди. Бунинг учун эса “Қўрқувдан қутулмоқ керак” дейди шоир бундан 18 йил аввал ёзган китобида:

- Қўрқувдан қутулишнинг йўли битта: яратганга инонмоқ, ватанни севмак

ва ҳар иккисига хизмат этмоқ. Бу хизмат билан машғул инсоннинг қўрқувга фурсати қолмайди.

Бу китобни сизларга бағишламоқдан, чунки уни ҳадиксирамай ўқиши мумкин бўлган муҳтамак кишилар сиз бўлажаксиз. Ёши улуғларга бу китоб телба романтизм маҳсулоти бўлиб кўриниши мумкин, аммо сизга бундай кўринмаяжак, чунки сизлар ҳаёлпарастсизлар. Бунга сизнинг ёшингиз лойиқ ва албатта, ақлингиз лойиқдир.

Хурриятни ҳаёл қилинг, иншооллоҳ, ҳаёлингиз ҳақиқатга айланажакдир. Ёшлигингизни, кучингизни ва ақлингизни

моддий дунёга таслим этмангиз, уларни иймон, ватан ва миллат хуррияти учун харжлангиз.

Бу ёзувлар нотекис, чунки юрилган йўл шундай эди. Бу ёзувлардан гўзаллик кутманг, чунки булар ўз қаламини синдириб қўйган бир қаламкашнинг ёзувларидир.

Зотан, бундан роппароса йигирма йил аввал қамини ҳам шундай орзу қилар эди, деб ёзади бугун муҳожиратда яшаётган арбоб.

Азиз ўқувчи, бундан буёғига буюк нарсалар ҳақида орзу қилиш ва у орзу йўлида курашиш вақти келди. Орзуларимиз амалга ошишида бардам бўлайлик. Зеро, бизнинг орзуимиз бор!

Чарос

2013йил 30 август куни маҳаллий вақт билан, соат тонги саҳар вақтида 5-00 да Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган “Қатортол” бозорининг биринчи этажидан, то тўртинчи этажигача бўлган, 10 гектардан ошиқ ерни ташкил этган, катта худудда 5 соат давомида ёнғин юз берди.

Ўзбек тадбиркорлари томонидан олиб келинган товарлари асосан Хитой, Россия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон ва Туркиядан келтирилган товарлар бўлиб, жуда тоза ва сифатли маҳсулотлар бўлган. “Қатортол” бозорида бир кунда 1 миллион доллардан ошиқ савдо-сотиқ бўлишини фуқаролар, “башорат” қилишмоқдалар.

Савдо-сотиқ ишлари тўхтатилди. Милиция, ўт ўчирувчи ходимлардан бошқа кишилар бозорга киритилмади.

Тадбиркорлар ичида кўпи аёлларни ташкил этар экан. Бу аёллар дод-фарёд қилиб йиғлаш туфайли ҳушларидан кетиб қолишди.

ТОШКЕНТДА ГУЛНОРА КАРИМОВАГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН, “ҚАТОРТОЛ” БОЗОРИ ЁНИБ, КУЛ БЎЛДИ!

Бу ёнғинда озиқ-овқат ва озиқ-овқатлари дан ташқари, кийим-кечаклар ҳамда турли-ҳил маҳсулотлар ёниб кетиб шу ернинг ўзида кулга айланди. Бу ёнғинни содир этилишида учта, “версия” бор деган тахминлар илгари сурилмоқда.

Биринчидан: Утган ҳафта яъни, 2013 йил 23 август куни, “Қатортол” бозорининг раҳбари уйда катта тўй –томоша



бўлиб ўтган. Бу тўйда қатнашган тадбиркорлар томонидан яъни, “осмон”дан “доллар” ва “евро” пуллари ёғилган. Иккинчидан: Бозордаги “охраник”лар рус аёллар билан кўнгил-хушлик қилишган.

Шу кўнгил хушлик вақтида жанжал келиб чиққан. Шу вақтдан унумли фойдаланган номаълум шахслар томонидан ёқиб юборилган дейишмоқдалар. Учунчидан: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги вакили, Рустам Азимовга тегишли бўлган, “валюта” пуллари “тадбиркор”ларга “процент” ҳисобида берилганлиги маълум бўлди. Аммо.

Бу маблағлар ўз вақтида қайтарилмагани учун, “валютафурушлар” томонидан ўт қўйилган деган гаплар ҳам олдинга сурилмоқда. Тадбиркорларнинг 100 миллион доллар ва евродан ошиқ маблағлари, бир кунда “ҳаво”га учди-ю кетди.

Бозорнинг яна бир номи шундан иборат эдики, “корес” ва “рус” бозори деб ҳам аташган. “Қатортол” бозорида асосан бойваччалар савдо-сотиқ қилшган. Казо-казолар келиб, шу маскандан савдо-сотиқ қилиб кетишар эди. Доллар ва евро бозорнинг асосий “маскани” эди.

Чунки, бу бозорда “валютафурушлар” бошқа бозорларга нисбатан жуда ҳам кўпчиликини ташкил этар эди. Бозор ўтган йили тадбиркорлар ҳисобидан қайта ремонт қилинган эди. Бозорни кенгайтириш мақсадида, ташқи ва ички бозорлар бузуб ташланиб, яна янгитдан қайта қурилмоқда. Бу бозор Тошкентда “Абу-Саҳий” бозоридан кейин, иккинчи ўринда турар эди. Бу бозордаги тоза маҳсулотлар “клан”ларга ҳам бориб тақалишини айтишмоқдалар...

Маҳаллий ҳокимият органлар бугун бозорни 4 та томонидаги дарвозаларини ёпишди.

бири катта пулга сотилган” деган гаплар ҳам мавжуд.

Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри келади ҳозирча номаълум... Бозор президентнинг тўнғич қизи, Гулнора Каримовага тегишли бўлиб чиқмоқда. Бу бозорнинг раҳбарлари Гулнора Каримовага ҳар ойида “ҳисобот” бериб туриши маълум бўлди. Бозор 3 ой давомида қайта таъмирлашга муҳтож бўлиб қолди.

Эндиги қайта таъмирлаш ва қайта қуруш ишлари яна, “бечора” тадбиркорлар зиммасига тушадиган бўлди. Айрим узун-қулоқ гапларга қараганда, бозорни янги қуруш ва қайта таъмирлаш учун кетган пуллари қайсидир ғаламиснинг ён қиссасига тушуши ординан амалга оширилган “маблағларнинг манбаини беркитиш” мақсадида, “ёнғинни ташкил этиш” “тадбири” ишлаб-чиқилган...

Фахриддин Тилло.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида фуқароларга тўй маросимларни 10 сентябрга қадар ўтказиб олишни тавсия қилишмоқда — кейин пахта компанияси бошланади.

Андижон вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ишчи хизматчилар учун белгиланган меҳнат таътиллари берилади.

Маҳалла кўмиталари раҳбарлари эса (фуқаролар йиғини) шу кунларда тўй ўтказмоқчи бўлган фуқароларни, бу ишни 10 сентябрга қадар ўтказиб олишни тавсия этишмоқда.

Бу йил мавсум Андижон вилоятида ўтган йилгидан биров кечроқ бошланади.

Бирок ҳозирданок фермер хўжаликлари, маҳалла, вилоят корхона, идора ва ташкилотлар, ҳамда ўқув муассасалари раҳбарлари иштирокида мажлислар бошлаб юборилган.

Уларда пахта терими тактикаси ва стратегияси белгиланмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 1001 терим отряди шакллантирилмоқда, уларга 208 400 одам жалб қилинади, бу вилоят аҳолисининг тахминан 8 фоизини ташкил этади.

жанубий туманларида пахта теримига сафарбар этиладиган хашарчиларга жой тайёрлаш ҳомий ташкилотларга тақсимлаб берилди. Ҳар бир ташкилот хашарчиларнинг ётоқ жойини таъмирлаб, уларнинг қозонию самоваригача таъминлаш лозим.

Бу йил мутахассисларнинг ҳисобларига кўра терим отрядининг ҳар бир азоси учун белгиланадиган кунлик норма 60 килограмм қилиб белгиланди, ўтган йили 50 килограмм эди.

Вилоят раҳбариятининг тасдиғича, пахта теримидаги олдинги компаниялардан фарқли бу йил пахта теримига касб хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари жалб этилмади.

Бу афтидан, пахта теримида болалар эксплуатацияси бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг турли ҳуқуқ ҳимоя ташкилотлари томонидан танқид қилиниши натижасидир.

Ўзбекистон фермерлари уларсиз ишнинг урдасидан чиқа олишадими, йўқми,



ЁППАСИГА ПАХТАГА!

буни мавсум кўрсатади.

Ўзбекистон дунёдаги энг йирик пахта ишлаб чиқарувчи ва экспортчиларидан бири саналади. Ҳар йили у жаҳон бозорида 700-800 минг тонна пахта толаси сотиб, бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ пул ишлайди. Бу пуллар ким билди, балки “отасининг қизлари” нинг киссасига тушаётгандир.

Ўзбекистоннинг пахта саноати катталар ва болаларнинг оммавий эксплуатацияси билан боғлиқ.

Мамлакат ҳукумати мактаб ёшидаги болалар ва касб эгалари бўлган врачлар, ўқитувчиларни пахта етиштириш ва кузги терим пайтида ишлашга мажбур этиб келади.

Озодлик радиосидан олинган маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятидаги масъулияти чекланган ташкилотлардан бири айгишича, хашарчилар ётадиган жойларни таъмирлаш учун ҳам давлат, ҳам хусусий ташкилотлар ҳомийликка мажбурланмоқда:

- Туман ҳокимлигида шу ойнинг бошларида йиғилиш бўлган эди. Бу йиғилишга барча давлат ва хусусий корхоналар раҳбарлари чақиртирилди. Ҳар бир ташкилотга эски клублар, колхозларнинг эски идоралари бўлиб берилган. Мана энди ремонт қилиб ётибмиз. Қозонини, самоварини топишни маҳаллалар бўйича юклаган. Бунинг ҳаммаси ўзимизнинг маблағимиз ҳисобидан бўлаяпти. Ҳа, энди бир, икки ойни ўтказиш учун шароит қилишга ҳаракат қилаёмиз. Ҳалиги бир қўшиқ бор эди, “Гарчи пахта енгил, оғир тош

сенда, Иш деса энг ёш, энг кекса сенда”. Ҳозир шунақа бўлаяпти, деди корхона раҳбарларидан бири.

Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғоннефт” очик ҳиссадорлик жамиятининг ўзини таништирмаган мулозими ҳам улар чекига тушган дала шийпони хашарчиларни қабул қилишга тайёр эканлигини айтди:

- Бизга Оққўрғон томонда битта шийпон биркитилган эди. Шуни ремонт қилиб, душ, туалет қуриб тайёрлаб қўйдик. Ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам, хуллас ҳамма ётоқ билан пахтага чиқади, деди корхона мулозими.

Жарқўрғон тумани ҳокимлигининг ўзини таништирмаган мулозими ҳам дала шийпонларини пахта теримига тайёрлаш ҳомий ташкилотларга тақсимлаб берилганини тасдиқлади:

- Хашарчиларни қабул қиладиган барча жойлар таппа-тайёр. Булар ҳомий ташкилотларга бириктирилган эди, самоварларигача олиб бориб қўйишган. Терим бошланиш вақтини айтишса бўлди, ҳамма хашарчи сафарбар этилади, деди ҳокимлик мулозими.

“Лидерлар” нафақа учун пахта теради

Жарқўрғон туманида мавсумни тез тугаллаш мақсадида мардикор аёлларнинг ҳам теримга жалб қилинаётгани айтилади.

Озодликнинг Жарқўрғондаги манбасининг айтишича, туманда мардикор аёллардан иборат пахта териш гуруҳлари тузилмоқда:

- Биз бу гуруҳга “Лидерлар” деб чиройли ном қўйдик. Бу мадад гуруҳлари. Масалан, шу пайтгача бу мардикор аёлларни тўплаб, пиёз ёки сабзи ўтатган аёл “лидер” бўлаяпти. Уларнинг аксарияти кам таъминланган оилалардан, эрлари Россиядаги аёллар. Очиғини айтганда, бу аёллар пахта теримида иштирок этишга мажбур, чунки уларнинг ҳаммаси болалари учун нафақа олади. Агар пахта теримида иштирок этмаса, нафақадан маҳрум бўлади, деди жарқўрғонлик манба.

Ўзбекистонда мустақиллик байрами ўтгач пахта теримига оммавий сафарбарлик бошланиши кутиляпти.

Чарос

ЖУДА ҲАМ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрам шодиёнаси Жиззах вилоятида кенг нишонланди. Мустақиллик майдонида жуда ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилган «истиклол тўйи» томошбабинлар қалбида жуда ҳам мухрланиб қолди. Марказий сахнанинг ҳовузлари жуда ҳам биллур тиниқлиги, истиклолни шарафловчи панно ва шиорлар иштирокчилар қалбида жуда ҳам илиқлик уйғотди.

Жаҳон сахнида Ўзбекистоннинг нуфузи йил сайин жуда ҳам юксалиб бораёти.

Ҳар соҳада жуда ҳам барқарор ўсиш, ривожланиш таъминланаёпти. Айниқса, барча жойларда олиб борилаётган кенг қўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жуда ҳам кўнгилни қувонтиради.

Шунингдек, Жиззах шаҳрининг кундан-кун жуда ҳам чирой очиб бориши, замонавий

дизайн асосида жуда ҳам қўтараётган тураржойлар, муассасалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг жуда ҳам мухташам бинолари, йўлларнинг кенгайтирилиши киши қалбида фахр туйғусини жуда ҳам уйғотади.

-Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам жуда ҳам улкан ислохот ва янгиланишлар, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари жуда ҳам бажарилаяпти,-дейди вилоятимизнинг жуда ҳам раҳбари Сайфиддин Исмаилов Жиззах ахлига йўллаган байрам табригида.

- Шаҳар-у қишлоқларимизга зеб бериб турган, замонавий меъморчиликка асосланган ва бир-бирини тақрорламайдиган бино ва иншоотлар, мактаб ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари,

қўйингки, барча бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари жуда ҳам истиклол мевасидир, жуда ҳам тинч ва осуда ҳаётимиз, яратиб берилган ҳуқуқий эркинликлар самарасидир,- дейди яна у Шоввоз ҳоким

Майдон эрталабданок байрам катнашчилари билан гавжум бўлди.

Ранго-ранг байроқчалар, мусиқа садолар шодиёнага жуда ҳам шукуҳ бағишлади.

Ҳа, келажаги буюк мамлакатимизга тўй-томошалар, хурсандчиликлар жуда ҳам ярашади.

Вилоят академик-халқ-бадий жомалари дирекцияси хонандалари Тошкент шаҳридан ташриф буюрган хонандаларнинг куй-қўшиқлари, болажонларнинг шўх-шодон рақслари шодиёнага жуда ҳам файз киритворди. Ана шунақа!

Элбекжон

ОҚ ВАТАН ВА ҚОРА ДАВЛАТ

Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига

imageВатанни онага ўхшатишади инсонлар ва она ватан дейишади...

Кўшиламан бу гапга...

Чунки Аллоҳ инсонларга икки она берган: ўз онаси ва ўз ватани...

Хаётий тажрибаларим ҳам менга шуни айтмоқда... Масалан, Норвегияда инсонларнинг табиати совуққа мос. Агар ёз бироз иссиқ, бироз узайдиган бўлса, норвегияликлар асабийлаша бошлайдилар. Аммо киш келиши билан уларнинг чехраси очилади... Улар ўз ватанларининг табиатидан хурсандлар...

Норвегияда куёш оз кўринади, бу вужудда «Д» витамини етишмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Аммо Аллоҳ уларга миллий таом сифатда гўшти «д» витаминга бой балиқ берган. Шунинг учун ҳам Норвегияликлар деярли ҳар кунни балиқ ейдилар...

Инсонни онаси ва ватани тарбия қилади... Ватан қандай бўлса, инсонлар ҳам одатда шундай бўлади... Бир қисм инсонлар эса яхшилик йўлида, яъни ватанининг яхшилиги йўлида кураш олиб борадилар. Ҳадиси шарифда ҳам «Ҳар чақалоқ фитратиди (Исломга мойилликда) туғилади. Аммо кейин ота - онаси улардан бир қисмини насроний, яҳудий, мажусий қилиб тарбиялайдилар», дейилади... Инсонни ота - онаси ва яшаётган жамияти, яъни ватани тарбия қилади...

Ватанни эса давлат бошқариб туради...

Давлат нима ўзи? Бу саволнинг аниқ жавоби йўқ. Ҳозирги машҳур қомуснома «Википедия»да давлат нималиги ҳақида келишилган хулоса йўқдир, деб ёзилган... Давлат жамиятнинг бошқарадиган ҳуқуқий (қонуний) ташкилот дейилади одатда...

Шахс ва жамият бошқарувга мухтождир, чунки яшаш учун инсонлар эҳтиёжларини қондиришлари керак. Шунинг учун улар шахсий ҳаёт билан кифоялана олмайдилар, уларнинг ейиш, кийиниш, бошпана топиш ва ҳқ эҳтиёжларидан илм ўрганиш, меҳнат қилиш, савдо сотиқ ва ҳқ ижтимоий муносабатлар туғилади. Ижтимоий муносабатлардан эса бошқарув, бошқарувдан эса давлат туғилади...

Ватанлар табиийлик ва софлик рамзларидир...

Давлатларнинг кўпчилиги эса сунъийлик ва зулм манбаларидир...

Бир шоир «хотиннинг ватани эридир», дейди. Бу сўзни «ватаннинг эри давлатдир», дея ўзгартириш ҳам мумкин. Чунки «ватанни ватан қиладиган ҳам, чўлу бежон қиладиган ҳам» давлатдир... Тўғриси давлатларни кўрарга кўзим йўқ сўнгги вақтларда... Чунки бугунги давлат менинг халқимнинг бева қолган онаси, яъни ватанининг иккинчи эрига ўхшайди. Шунчалик бегона бугунги давлат ўзбек халқига ва ўзбек ватанига...

«Адолат бўлмаган жойда давлат қароқчилар тўдасига айланади...», деган экан бир файласуф...

Бугун Ўзбекистонда давлат мана шундай қароқчилар тўдасидан иборат. Золим, ғаддор, ўғри, инсофсиз, жаллод, порахўр, ёлғончи, кибрли, ҳасадчи шу давлат ва унинг бошида турган бош ўғридир...

Бу давлат номидаги ўғай ота ватан онамизни уради, сўқади, ҳақорат қилади, алдайди, номусини сотади... Кейин ўртага чиқиб, мен халқнинг, ватаннинг эгасиман, дейди.

Энг катта қабоҳати (гуноҳи) ёлғондир бу давлат ва давлатбошининг...

Давлатга асос солдим дегани ёлғон зотан. Чунки Давлатбошининг СССР сафида қолмасак очликдан ўламиз, деганига, халқни коммунистик империя сафида қолишга мажбурлаб овоз бердирганига ўзим гувоҳман. Биров айтса ишонмаган бўлардим балки... Шунинг учун 1990 йиллар воқеаларига гувоҳ бўлмаган ҳозирги ёшлар Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигига қарши бўлганига балки ишонмаслар...

Ўзбекистонда ҳақиқий давлат йўқ чунки... Қонун йўқ, ҳуқуқ йўқ, эркинлик йўқ, инсон ҳуқуқлари йўқ, эркин сайловлар йўқ, эркин тадбиркорлик, тинч намойишлар йўқ...

Эртадан кечгача Ислом Каримов ва Гулнора Каримова бор... Инсоннинг меъдаси айнаиди бу манзарадан. Эмишки, Ўзбекистон аҳолисининг 99% Давлатбошини келажакнинг кафолати ўрнида кўрар эмиш... Бу давлат менга золим ва ғаддор, диктатор Қаддафийнинг давлатини эслатади. У давлатда ҳам фақат ота Муаммар Қоддафий ва ўғил Сайфул Ислом бор эди. Золим Қоддафий мен бўлмасам бу халқ қандай яшайди, дея гердайдирди. Сен Аллоҳмининг, Илоҳмининг, Роббмининг, халқ сенсиз яшай олмасми? Худди шундай Ўзбекистоннинг келажаги Каримовсиз кафолатланмас эмиш... Бу келажак бир ойликдир, бир йилликдир, нари борса икки йилликдир... Кейин Каримовсиз қолади Ўзбекистон. Нима бўлади ундан кейин ватаннинг келажаги?

Ватан муқимдир, ўзгармасдир, вафкордир... Ҳозирги давлат ўзгарувчидир, хамелеондир, вафосиздир...

Шунинг учун ҳам унга мустақиллик ярашмайди...

Мустақиллик ватанга ярашади. Мустақиллигининг муборак бўлсин, Она Ватаним!

Намоз Нормўмин

ОМОН-ОМОН ЗАМОНДА... КЎЧАДА ЯШАШЯПТИ

Фарғона.ру ахборот агентлигидан олинган хабарга кўра айни пайтда Ўзбекистоннинг баъзи вилоятида, Ўзбекистон фуқароларидан айримлари кўчада яшашяпти. Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида яшовчи Уббиниязовлар оиласи фарзандлари билан бирга мана 55кундан бери кўчада яшамоқдалар. Ўзбекистон Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари гуруҳи маълумотига таянсақ, улар уйсиз қолишларига сабаб маҳаллий ҳокимиятнинг буйруғи экан.

Оила аъзоларидан бири Мурат Уббиниязовга кўра 2013йилнинг июнь ойида Нукус шаҳрининг янги таъминоти туфайли Қорақалпоғистон кўчасидаги 1950йилда қурилган икки қаватли уйларнинг бир нечаси бузиб юборилган. Улардан иккита, умумий майдони 135кв метрдан иборат уй Уббиниязовларга тегишли бўлган. Маҳаллий ҳокимият уйлари бузилганлиги учун Уббиниязовларга маҳаллий валютада, яъни сўмда уй сотиб олиш учун пул берган, лекин у пулга уй сотиб олиш мумкин эмас.

Сўнггида улар кўчада яшашга мажбур бўлишди. Яшаш жойи муаммоси билан улар Нукус шаҳар ҳокимига, Қорақалпоғистон прокурорига, Ўзбекистон президенти ва ҳақиқатчисига мурожаат қилишган, лекин ҳеч қандай натижа йўқ.

Албатта, натижа бўлмади, ахир фақат тахтни ушлаб қолиш учун курашаётган президентга бу каби оддий халқнинг қизиғи йўқ. Унга қолса бир иккита оила эмас, бир иккита қишлоқдаги аҳоли кўчада қолса ҳам пинагини бузмайди. Шу йилнинг 22августида Уббиниязовлар оиласи Нукус ҳокимияти биноси олдига иккита кваттира сўраб норозилик намойиши ўтказиш учун келишди. Уларни ёнига келган, ҳокимиятнинг қўриқлайдиган милиция ходими маъмурият раҳбарлари йўқлигини ва бу ерда ўзларига муаммо бўлмай туриб тездан кетишларини айтган. Барибир уларга нисбатан кўрқитув натижа берди ва Уббиниязовлар Қорақалпоғистон кўчасида яшашда давом этмоқдалар.



Эслатиб ўтсак, бузилган уй эгаларига бироз пул бериб қўйиш-Ўзбекистонда бир неча йиллардан бери бўлиб келаётган иш. Бечора халқ яна ўзи бегона юртларда зур бериб ишлаб келадида уй солади, яна «ота»нинг «дангаса» деган ҳақоратларини ҳам эшитади.

Бугун эса бу қария мазза қилиб ўзи президент бўлган кунни нишонлапти, мустақилликни орзу қилиб молидан ва жонидан кечган оддий одамлар эса маънос ҳолда телевизорда уни кўриб ўтирадилар. Уйлари йўқ, кўчада яшаганлари-чи, тв кўришдан ҳам Мосуво...

Чарос

Бунинг учун Ўзбекистонда ҳокимият тепасига толиблар келиши ёки АҚШнинг улар устидан ғалаба қилиши натижасида Қарзай ҳокимият тепасига келган «Толибон»га ўхшаш бирор нарса пайдо бўлиши керак. Мен фақат Ҳамид Қарзай «келиб тушиши» учунгина Ўрта Осиёда Афғонистондагига ўхшаш бирор нарса бошланиб кетишини истамасдим. Уша одам Муҳаммад Солиҳга ўхшаган дунёвий одам бўлган тақдирда ҳам.

МУҲАММАД СОЛИҲ ҒАРБНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ТИНЧ ИНҚИЛОБ»НИ ҚЎЛЛАШГА ЧАҚИРМОҚДА

Ҳар ҳолда, у ўзини ўн беш йил олдинги сиёсий кифёсига нисбатан ўзгарган қилиб кўрсатаётган ҳолатида.

Алексей Малашенко, Москвадаги «Карнеги» маркази таҳлилчиси:

«Фарғона.Ру»: - Ўзбек муҳолифатида норози оммани бирлаштириб кета оладиган шахс борми?

Алексей Малашенко: - Бир сўз билан жавоб бераман: йўқ. Яқин орада бўлмаса ҳам керак, деб ўйлайман.

«Фарғона.Ру»: - Солиҳ бу ролга тўғри келадими?

Алексей Малашенко: - Мутлақо йўқ. Мен унинг Каримов билан рақобатлашиб, 90-йилларнинг бошидаги сайловларда қанчадир фоиз овоз олган даврлари қайтмас бўлиб ўтиб кетган, деб ҳисоблайман. Мен унинг томири ердан узилган, деб ҳисоблайман. Ва бунинг сабаби унинг ёмонлиги учун эмас, вазиятнинг объектив равишда шундай бўлиб қолганида. Умуман олганда, унга у ерда илдиз отишга имкон беришмади. Мен унинг ташкилотчи эмас, қандайдир рамз ҳам бўла олишига ишонмайман. Ҳамма нарса таққослаганда билинади. Мамлакат ҳудудида ўрнаша олмаган Озарбайжондаги Расул Гулиевга қаранг. Қожегелдинга қаранг. Мен бу одамларнинг даври, қанчалик ачинарли бўлмасин, ўтиб кетган, деб ҳисоблайман.

«Фарғона.Ру»: - Муҳаммад Солиҳнинг ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкин ва умуман ана шундай оқибатлар бўлиши мумкинми?

Алексей Малашенко: - Менинг ўйимча, ҳеч қандай оқибатлар бўлиши мумкин эмас. Бу стакандаги сувда кўтарилган бўрон. Америкадаги бу вазиятни ҳақиқатан яхши тушунган мутахассислар Ўзбекистонда нима бўлаётганини яхши билишади – улар қатта ҳузур билан Солиҳга қулоқ тутгани келишади, бироқ бундан ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унга ишонишиб, қандайдир инқилоблар учун пул беришларига чуқур шубҳам бор.

«Фарғона.Ру»: - Ўзбекистонга машҳур «бахмал инқилоблари»нинг сценарийси тўғри келадими ва диктатор Каримов ҳокимиятининг «тинч йўл билан» ағдарилиши оқибатида Афғон ва Ироқдагига ўхшаган талотўп бўлиб кетиш хавфи борми?

Алексей Малашенко: Биласизми, ўзбек кўчаларига чиққан одамлар

тўдасини мен ҳозирча тасаввур қила олмайман.. Андижонда қирғин бўлиб турганда на Наманган, на Қўқон, на Марғилон ва на Фарғонада ҳеч қандай тўдалар кўчага чиқмади. Ҳамма жойда тинчлик ва худонинг сукунати ҳукмрон эди. «Фарғона.Ру»: - Марказий Осиё мамлакатларида Ғарб тушунчасидаги демократияга ўтиш мумкинми?

Алексей Малашенко: - Сиз бераётган савол долзарб эмас.

Менинг бир америкалик танишим бор эди. Унинг ўзи айнан Марказий Осиё билан шуғулланарди. Ўн йиллар аввал у менинг ўзим ҳам такрорлаган бир иборани ёзган: «Марказий Осиёда демократия ўрнатиш борасида ишлаётган америкалик элчилар ва маслаҳатчилар гўё Эфиопиянинг саҳроларида маккажўхори ўстиришга уринган совет қишлоқ хўжалиги мутахассисларини эслатадилар», деганди у. Мана шу позиция менимча кучаймоқда. Америкаликлар ҳозир Туркманбошига нисбатан ана шундай йўл тутмоқдалар ва менинг назаримда муваффақиятга эришмоқдалар.

Аждар Куртов, тарихчи, сиёсатшунос: Ҳозирча Солиҳнинг тилида, агар Ўзбекистонда Каримовнинг ҳокимияти ағдарилса, уч ой ичида мамлакатда янги парламент ва президент сайловларини ўтказиш мумкин, деган версия юрибди. Ундан кейин гўёки республикадаги вазият барқарорлашиб қолади. Менимча бу нукта-назар – дарвоқе, у Марказий Осиё давлатларидаги муҳолифатчи доиралардагина эмас, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган – хаёлпарастликдир.

Солиҳ, менинг билишимча, ўз вақтида сунуқли француз ёзувчилари ва файласуфларининг асарларини таржима қилиб юрган ёзувчилар элитаси вакили бўлиб, тўқсонинчи йиллар бошларида биринчи президент сайловларида Каримов билан рақобатлашиб, ютказиб қўйгандан кейин мамлакатни ташлаб чиқиб кетган. У ўзининг сиёсатчи сифатидаги янги сифатини тўғри қабул қилолмапти.

Мен 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда фаолият юритган «Бирлик» ва «Эрк» ташкилотларини яхши биламан. У пайтда Солиҳнинг сиёсий кредоси ўзбек тилининг мақомини ошириш, пахта монокультура бўлган қишлоқ хўжалигидаги совет ҳокимиятига хос бўлган оғишлар бўйича фаол мақолаларни чиқариш ва жамоатчилик фикрини тўлқинлаштиришдан иборат бўлган. Таълимни руслаштириш билан боғлиқ масалалар ва бошқалар. Мана шу нарсалар МДХ ҳудудида кўпинча маданиятга зиёлиларнинг қўли билан қилиниб, қон тўкилишига олиб келарди. Мисол учун Молдавияда шундай бўлди. У ерда «қайси тилда ёзиш ва гапириш керак», «молдаван тили нима» деган тортишувлар натижасида мамлакатнинг бир қисми бўлиниб, Днепрбўйи



Молдавия Республикасини тузишга мажбур бўлди. Ва бу можаро ҳалигача босилгани йўқ.

Менимча, сиёсатчи Солиҳ ижодкор Солиҳга нисбатан анча ортда қолади. Бу шундай бўлиши ҳам керак. Чунки Макс Вебер ёзганидек, сиёсатдаги Зиёли ўзини юксак ахлоқий мажбуриятлар (бу фазилят шубҳасиз Солиҳда бор) билан тутиб турмайдиган юзсиз, бюрократ сиёсатчидан ортда қолади”..

Агар зиёли Солиҳ, ёзувчи Солиҳ, шоир Солиҳ сиёсий кураш йўлига тушган бўлса, у хоҳлайдими-йўқми, бу сиёсий кураш унга ўзининг мантиқ ва қоидаларини ўтказди. Сиёсий кураш эса, айниқса мана шундай қаттиқ шаклда олиб борилаётганда – ахир гап оддий ҳокимият алмашуви эмас, бутун бошли режимни ағдариш ҳақида кетяпти – бу кураш сиёсатчини иттифоқчи излашга мажбур қилади. Иттифоқчиларни «душманнинг душмани – менинг дўстим» деган қоида асосида излашади. Шу ўринда, Ўзбек расмий давлат органларининг ўзбек зиёлиларининг бундай курашдаги иттифоқчилари ислом радикаллари бўлиши мумкин, деган шубҳалари мутлақо асоссиздир.


Аммо шубҳали иттифоқчилар худди 1917 йилдаги большевистик тўнтаришдаги каби либерал ўзбек муҳолифати курашидан устомонлик билан фойдаланиб, зарур пайтда уларни сиқиб чиқариб,, ҳокимиятни эгаллаб олишлари мумкин. Марказий Осиё минтақасига бегона бўлмаган одам сифатида бунини хохламаган бўлардим. Сабаби, бундай ҳолатда Ўзбекистонга эмас, балки бутун минтақа жиддий ижтимоий офатлар домига тортилган бўларди.

Ўзбекистонда кадрлар ўзгариши бор. Алматы кетди. Экспертлар уч куч қўлловчи структуралар - миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва ҳарбий махкама ўртасида кучларнинг ўрин алмашуви бўлаётгани ҳақида фикр юритишмоқда.

Менимча, Ўзбекистон раҳбарияти ҳали шу кунгача ўзи таяниб келган резервларни ишлатиб бўлгани йўқ. Вазият ҳали марксист-сиёсатшунослар айтганидек, «инқилобий вазият» деб аташ мумкин бўлган нуктага етгани йўқ.

(Давоми бор)

ДНКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



Индигоид ва кристал болалар Мана, дунё ахли анчадан бери янги турдаги болалар хусусида тортиша бошлади.

Индигоид ёки кристал болалар деб номланган бу болаларнинг ДНКларида ва организмларида

тузилмавий (структуравий) тафовутлар кўзга ташланади:

ДНКлари икки бурмали (ипликли) эмас, 6-12 бурмалидир (ипликлидир).

Тери, кулок, кўз, бош суяги, мияси, асаб ва ҳазм тизимларининг тузилмаси бошқача.

Бош суяги ва мия орасида бўшлик бор.

Индигоидларнинг аураси индиго (тўқ мовий) рангда. Дунёдаги ҳеч бир жонзот аурасида бу ранг йўқ. Кристал болалар эса янада юксак тебранишли энергия билан ва ДНКларининг 12 бурмасидан (иплигидан) ҳам фойдаланилган ҳолда туғилдилар. Уларнинг аурасининг аксарияти қизил рангда.

Максимал даражада заковатли, ўзларига ишонишади ва худди бошқа дунё, “ўзга сайёрадан келган болалар”га ўхшашади.

Уларга ҳеч ким ўз сўзини ўтказа олмайдди, лекин улар ўзлари хоҳлаган нарсани бошқаларга албатта бажартиришади.

Индигоид бола - айбдорлик ҳиссини, кристал бола - қўрқув ҳиссини, ҳар иккаласи эса - уялиш ҳиссини умуман билмайдди.

3-4 ёшида катта ёшдаги одамлар билмайдиган нарсаларни билиб, ишлага олмаган компьютерларни ишлатишади. Жуда кичик ёшларида ҳам одатдагидан ортик англаш қобилиятига ва ғайритабiiий кучга эга бўлишади.

чуқур жойлашган, йирик кўзлари билан узок қарайдилар. Инсоннинг рухий ҳолатини билиб, унинг ким эканлигини, ақлидан нималар ўтаётганларини ўқишади.

Бир-бирлари билан бошқача, кўниқилмаган муомала ва алоқа қилишади. Кўпчилигининг ўз веб саҳифаси (сайти) бор, интернет тармоғини қурадилар, китоблар чиқарадилар, радиоларда эшиттиришлар, телевидениеда дастурлар тайёрлайдилар ва дастурларга қатнашадилар. (Масалан, ёшларнинг ва болаларнинг баъзи телевизион дастурларида ғайриоддий кучларни намойиш этилиши каби.)

Бу феномен барча китъаларда ёйилмоқда. Унинг учун маданият тўсиғи ҳам, дин тўсиғи ҳам, тил тўсиғи ҳам йўқ. Бу феномен дунёга ўзини сездирмасдан ерлашди.

Чунки ҳамма нарсани ўлчаб, баҳолайдиган моддиятчи (матери-

алист) олимлар бу метафизик феноменни ўрганишга лойиқ «объект»

деб ўйламагандилар, шунинг учун ўрганишмаган эдилар.

Фақат олимлар эмас, дин олимлари ҳам дунёга янги турдаги бир мавжудот келиши мумкинлигини ўйламагандилар. Бу мавжудотлар дунёга (яъни оилаларга) кўп сонда жойлашгандан кейингина, бу феномен ҳақда мушоҳада юритиб, бу феноменни қабул этишга мажбур бўлдилар.

Уларни Индигоид болалар ва Кристал болалар ёки “Олтинчи ирк”нинг пионерлари (биринчилари), деб номладилар. Индиго ва кристал болалар воситасида баъзи каттаёшлилар ҳам, 2003 йилдан эътиборан, индигоид ва кристал каттаёшлиларга айлана бошлашган. Бу ўзгариш уларда ўлим, сўнгра тақдир ва охират ишончининг бора-бора йўқ бўлишига олиб келмоқда.

2006 йилда каттаёшлиларнинг янги бир тўлқини индигоид ва кристал одамларга айланган, уларнинг бу турдаги одамларга айланиши қисқа муддат ичида юз берган. (“Пробирка чакалок”, “Зехн (онг) назорати”, “Аъзоларни алмаштириш” ва “Ўлим” мавзуларига қаранг.)

Олимларнинг айтишича, бугунги кунда 10 ёшдан кичик болаларнинг 90%ни индигоид ва кристал болалар ташкил қилишади. Бундан ташқари, уларга кўра, каттаёшлиларда ДНК ўзгариши 2012 йилгача тугайди, шундан кейин дунёда 2 бурмали (ипликли) ДНКга ва 7 рангли аурага эга инсон қолмайди.

Битта рангли аурага ва 12 бурмали (ипликли) ДНКга эга мавжудотлар дунёда ягона онг (зехн) ичида бирлашади, яъни, уларнинг иддао қилишича, “илоҳий урғочи энергия”га (салбий, шайтоний энергия ёки Дажжол энергиясига) уланишади.

ЗЕХН (ОНГ) НАЗОРАТИ

“Инсоннинг вужуди бир электро-кимёвий тизимдир ва бугун бу тизимга таъсир ўтказа оладиган механизм ишлаб чиқарилган. Бу механизм инсонларнинг миясидаги электромагнит тўлқинларнинг нормал тарқалишини тўхтата олади ва шу йўл билан инсонларнинг ҳатти-ҳаракати ва феъл-атворини ўзгартира олади. Маълум вақт ичида инсон биороботга айлантирилиши мумкин”, деб ёзади “Microway News” журналининг бош муҳаррири Луис Слайзен. Бугунги кунда компьютер инсон миясининг фаолиятини аниқлаб, экранда кўрсатиши мумкин, айна пайтда компьютер мия фаолиятига таъсир ўтказиб, мияни назорат қилувчи тўлқинлар тарқатиши мумкин. Бир пайтлар бу мақсадда одамларнинг бошига электродлар жойлаштириб, тажрибалар ўтказилган.

1960 йилларда хайвонларда ўтказилган “радио сигналлар билан бошқариш тажрибалари” кейинчалик психологлар томонидан Вьетнам аскарларида синаб қўрилди. Бу экспериментда Вьетнамлик асир аскарларнинг бошларига электродлар жойлаштири-

либ, кўлларига пичок берилган ва бир-бирини ўлдириш буюрилган.

Зехн назорати билан боғлиқ бундай тадқиқот ва тажрибалар бугунгача, та-наффуссиз давом эттирилмоқда. Фақат ҳозир бу усулларнинг ўрнига ўта нозик назорат усуллари ўйлаб топилган: бугун бу ишлов (функция)лар кабелсиз (симсиз) амалга оширилмоқда.

Психологик урушда мусиқа-хид жуфтининг қўлланилиши

Инсоннинг асаб тизими электро-кимёвий сигналлар воситасида ишлайди. Шу боис, ҳазм, сув ва нафас йўллари орқали организмга кириб, мияга борган моддалар фикрлаш жараёнини бошқарувчи электро-кимёвий сигналлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон баданини, ақлини ва руҳини таъсирлантириш учун қадимдан бугунги кунгача бир комплект ритуаллар (маросимлар), таомлар, ичимликлар ва ҳидлар ишлатилмоқда ва киёматгача ишлатилди.

Эътибор берган бўлсангиз, бугунги учоқларда (самолётларда) мижозларни мусиқа хид билан бирликта эшиттирилмоқда. Бу хорижий мусиқа ва хидларни тарқатиш кинотеатрларда, лифтларда, автобусларда ва катта дўконларда қўлланила бошланди.

Бу нарса глобаллашган (умумийлашган) дунёнинг бир неъматини ва комфортнинг (қулайликнинг) бир бўлаги сифатида тақдим қилинмоқда.

Аmmo мусиқа-хид жуфтлиги психологик уруш курулларида бири эканлигини кам одам билади. Бу феноменга “психотроп таъсир” дейилмоқда. Психотроп таъсир тиббий дорилар, қўшимча моддалар, хид ва мусиқа воситасида инсон психологиясига таъсир қилиб, инсонга ўзи қилишни истамаган ҳатти-ҳаракатларни ҳам қилдирмоқда.

Кимёвий моддаларнинг озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилиши 1940 йилларда бошланган. У вақтларда аксарияти табиий манбалардан ишлаб чиқарилган кимёвий моддаларнинг ишлатилиш миқдори қисқа муддатда дунё бўйича йилга 7 миллион тоннагача чиққан.

У йилларда бир неча минг хил кимёвий модда қўлланиларди. Бугун эса фақат озиқ-овқатларнинг ўзида миллионлаб тонна ва, тахминан, 100 000 хил қўшимча модда қўлланилмоқда.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош